



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

• 2008-йил • 1-март • Shanba • 27 (27.832) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари-
ни ҳимоя қилиш борасидаги етилган
муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлук-
сиз таълим тизимида ислохотларни янада
чўқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва
мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таъ-
лим муассасалари томонидан тайёрлана-
диган мутахассисларга бўлган талабни
таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008
йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилин-
ганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутиви «Ёш-
лар йили» Давлат дастури 1-иловага му-
вофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ
таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-
га йўналтирилган ҳуқуқий базани такомил-
лаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалда-
ги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-
га ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги
ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада
такомиллаштириш, 9-синф битирувчилар-
нинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
билан тўлиқ қамраб олинганлиги таъмин-
лаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таъ-
лим муассасаларида ёшлардан муносиб
равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз
ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган,
реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳа-
ларида талаб қилинаётган йўналишлар ва
иқтисодиётнинг бўйича кадрлар тайёрлаш-
ни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаб-
лари, касб-ҳунар коллежлари ва академик
лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш
сифатини ошириш, уларни муҳандислик
коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ
улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория
ускуналари ва техникавий таълим воси-
талари билан жиҳозлаш, таълим соҳа-
сида қабул қилинган давлат умуммиллий
дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажа-
рилишини юзасидан буюртмачилар ва пуд-
ратчиларнинг масъулиятини қуйайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун ти-
зими даражаси ҳамда сифатини тўбдан
ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-
ҳунар таълими ва олий ўқув муассасала-
ридаги таълим стандартлари ва ўқув дас-
турларини замонавий талабларни ҳисобга
олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда
янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва
қайта тайёрлашни ташкил этишни тако-
миллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва
қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт

бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қар-
ши тура оладиган миллий ҳамда умуминсо-
ний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллеж-
лари ва академик лицейлар битирувчилар-
нинг, шунингдек, муддатли ҳарбий хиз-
матни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик
шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойла-
шиши билан боғлиқ масалалар бутун ком-
плексини ҳал этиш;

музыка, рассомлик, санъат ва маданият
соҳаларида болаларнинг ижодий таланти
ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда
ривожлантириш учун шарт-шароитлар яра-
тиш, мазкур масалалар билан шуғуллану-
вчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда
шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлан-
тириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
ёшларда соғлом турмуш тарзига инти-
лишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик,
кашандаллик ва бошқа зарарли одатларга
қарши кураш бўйича профилактика чора-
тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг
бўш вақтини мазмунли ташкил этиш,
ёшлар спортини оммавий ривожлантириш
учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жи-
ҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб
уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш ша-
роитларини яратиш, уй-жойини обodonлаш-
тириш учун зарур маблағлар ва кредитлар
бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом
болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг
самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президен-
тининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-
сон фармойишига мувофиқ ташкил этил-
ган Республика комиссияси зиммасига
«Ёшлар йили» Давлат дастури бажарили-
шини ташкил этиш ва мониторингини олиб
бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-
иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили»
Давлат дастурининг асосий бўлиmlарини
амалга ошириш Кенгаши тuzилисин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини
амалга ошириш Республика комиссияси
ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):
вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бир-
лашмалари, жамоат ташкилотлари, Қора-
қалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-
гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-
ликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва
идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли
пункти бўйича икки ҳафта муддатда «Ёш-
лар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари
ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини

таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлиmlари ва бандла-
рини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг
давлат бошқаруви республика ҳамда ҳуду-
дий органлари, жамоат ва ноҳукумат таш-
килотлари даражасида мувофиқлаштири-
лишини ташкил этсин, Дастурга киритил-
ган тадбирларнинг бажарилиши устидан
тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари
бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида
тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши
тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, ви-
лоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар
(шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва
тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилиги-
да, уларнинг зиммасига Дастурда назар-
да тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ
амалга оширилиши юзасидан шахсий
жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастур-
ни амалга ошириш бўйича тегишли ко-
миссиялар ташкил этиш мақсада муво-
фиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги, Миллий ахборот агентлиги,
Ўзбекистон миллий телерадиокомпан-
ияси, оммавий ахборот воситалари «Ёш-
лар йили» Давлат дастурининг мақсад ва
вазифалари кенг қўламада тушунтирили-
ни, унинг амалга оширилишини, ёшлар
ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш,
уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлан-
тириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқла-
рида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни
эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакл-
лантириш, уларнинг жамиятда муносиб
ўринни эгаллаб, республикани ривожлан-
тиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қолади-
ган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқа-
ролари сифатида камол топтириш бўйи-
ча чора-тадбирларни амалга ошириш-
да республика ва маҳаллий бошқарув
органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ту-
зилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам
ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини
назорат қилиш Ўзбекистон Республика-
сининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зим-
масига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль



*Орзиқиб, энтиқиб, соғиниб кутганимиз — Баҳор яна
келди. Баҳорда фақат она табият, дашту далалар
уйғонади... Одамзот уйғонади. Ўзини руҳида, юрагида
покланиш, яшашиш, тозафиш бошланади. Янги орзу-умидлар
гуллайди... Илло, заминни яшнашувчи, кўнгилларини
сўйлашувчи мўъжизакоф баҳорининг қадамлари юртимизга
қўнмуз келсин!*

«Ёшлар йили» баҳори муборақ бўлсин!

Эътиром

«Иzzат нима, билдим»

*Кел баҳор, қуриган саҳрога
Илк ёмғир берар гулсимон, кел!
Айланмай қон дилда сафрога
Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!*

*Тарса-тарс ёрилган чўллардек
Юрак тоғ, бутунмас, минг бир дарз.
Томир ҳам қатқалоқ йўллардек,
Қоқилса, чап бериб яшаш қарз.
Кел, баҳор. Инқилоб сингари...*

— бу сатрларни Зулфияхоним 1981 йили ёзганлар. Ле-
кин бунгача ҳам: «Шу кунларда баҳорга зорман» (1968),
«Яна бугун баҳорга зорман» (1972) дея қуйлаган шоира:
**Кел, дилдиқоқ қалбимни тўшаб,
Бўгин, бўгинмга олайин.
Фақат ўтинч:
Нур,
Шодлик қўшиб
Йўрғаклаб ол, мунг бўлса найим.
— дея юрак дардларини тўқади.**

3-бет



Эртага —
Ўзбекистон
БМТга аъзо
бўлган кун

Дунёвий эътироф

Ўзбекистон мустақилликни
қўлга киритгандан сўнг икки ва
ташкил сийёсат борасида катта
ютуқларга эришди. Қатор нуфуз-
ли халқаро ташкилотларнинг
эътирофига сазовор бўлди. Улар
фаолиятида тенглар ичра тенг
субъект сифатида иштирок этиб
келаяпти. Ана шундай энг йирик
ва тинчликпарвар ташкилот Бир-
лашган Миллатлар Ташкилотидир.
Ушбу нуфузли ташкилотга аъзо
бўлиш Президентимиз Исроил
Каримов томонидан истиқлолнинг
дастлабки йилларидан олиб бо-
рилган барқарор сийёсат, ҳуқуқий-
демократик давлатни барпо этиш
йўлида ташланган жуда катта
қадмидир. БМТга аъзо бўлиш кат-

та шараф, шунинг билан бирга
ўзига хос масъулият ҳам юклай-
ди. Аъзо давлатлардан ташки-
лотнинг 1945 йил 24 мартда қабул
қилинган низоми ва барча ҳуж-
жатларига амал қилиш, уларнинг
меъёрларини қўзда тутган ҳолда
иш тутиш талаб этилади.
1992 йил 2 мартдан сўнг ўтган
ўн олти йил мобайнида Президен-
тимиз уч марта БМТ минбаридан
туриб долзарб халқаро масалалар-
ни кўтариб чиқди. Қўп марта БМТ
бош қотиби, қотиб ўринбосари би-
лан учрашди. Минтақавий маса-
лалар бўйича фикр алмашиш учун
Ўзбекистонга БМТ вакиллари бир
неча бор таширф буюрди. Алоҳи-
да таъкидлаш керакки, 2002 йил

18-20 октябрь кунлари Ўзбеки-
стонга БМТнинг собиқ Бош қоти-
би Кофи Аннанинг ўзи расмий
таширф билан келди. Афғонис-
тон масаласи, терроризм, дин-
ий экстремизм ва гиёҳванд
моддаларнинг ноқонуний савдо-
сига қарши курашиш, минтақа-
даги экологик муаммолар юза-
сидан музокаралар олиб борди.
Айтиш жоиз, Президентимиз
олиб бораётган сийёсатнинг ус-
тувор жиҳатлари, долзарб ма-
салалар дунё ҳамжамиятининг
эътиборини тортиб келаяпти.

3-бет

Янги футбол мавсуми

МАҲОРАТ ВА ФИДОЙИЛИК —
ғалабанинг икки қаноти



Бугун олий лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон
миллий чемпионатининг байроғи 17-март кўтарилди.
Яна орзиқиб кутилган ҳаяжонли дамлар келди. Яна стадион-
ларда олқишлар янграб, мухлислар бетакорр ва чиройли гол-
лардан завқланиди. Миллионлаб ишқибозлар эса навбат-
даги чемпионатта, футбол мавсумига катта умид боғлаб туриб-
дилар. Биз шу муносабат билан Ўзбекистон
Футбол федерацияси президенти Миқробр
УСМОНОВга бир неча саволлар билан муро-
жаат қилдик.

4-бет

Ўзбекистон ҳаво йўллари



Хизматлар лицензияланган

Депутат ва ҳаёт

Қонун ижодкорлиги

замирида инсон манфаатлари ётибди, дея таъкидлашмоқда
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзолари ўз сайловчилари билан учрашувларда

Халқимиз онгу тафаккур, фикрлаш тарзи ва дунёқара-
ишдаги ўзгаришлар бугун барча соҳада ўз аксини топа-
пти. Шу жумладан сайловчи ҳам ўзи ишонч билдирган депу-
татларнинг фаолияти, улар муҳокама қилаётган масалалар-
ни мунтазам кузатиб борапти. Дилида тугиб юрган фикр-
лари, таклиф-мулоҳазаларини депутат билан ўртоқлаш-
япти. Уларга қўп масалаларда маслаҳат берувчи, йўл-йўриқ
курсагувчи киши сифатида ишонч билан қарайди.

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, Ўзбекистон
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси
Латиф Фуломовнинг Тошкент
шаҳридаги Олчопар маҳалласи-
да сайловчилар билан учрашу-
вида ҳам бу яққол намоён
бўлди. Иштирокчиларнинг де-
путатдан жуда қўп масалалар
бўйича жавоблар эшитгиси,
қолаверса, ижтимоий соҳага ало-
ҳида эътибор қаратиб келаётган
сийёсий партия лидери билан
дилдан суҳбат қўргиси келгани
сабабми, учрашув белгиланган
вақтдан анча қўп давом этди.
Депутат дастлаб парламент

қўйи палатаси фаолияти, қабул
қилинаётган қонунлар, уларнинг
халқимиз, мамлакатимиз ижтимо-
ий-сийёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида
батафсил тўхтади. Қонунчилик
палатаси Халқаро ишлар ва пар-
ламентлараро алоқалар қўмитаси
раисининг ўринбосари сифатида
парламент томонидан ратифика-
ция қилинган халқаро конвенция
ва бошқа ҳужжатларнинг моҳияти,
шунингдек, ЎзХДП электорати
манфаатига алоқдор қабул қилин-
ган «Нодавлат нотижорат ташки-
лотлари фаолиятининг кафолатла-
ри тўғрисида», «Ҳомийлик тўғри-
сида», «Йод этишмаслиги касал-
ликлари профилактикаси тўғриси-

да» каби қонунларга тўхтади. Ай-
ниқса, ўтган йили қабул қилинган
янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва
«Давлат бошқаруви янгилаш ва
янада демократлаштириш ҳамда
мамлакатни модернизация қилиш-
да сийёсий партияларнинг ролини
қучайтириш тўғрисида»ги Консти-
туциявий қонун, бу ҳужжатларнинг
аҳамияти юзасидан алоҳида ту-
шунтириш берди. Сайловчилар
ҳам ОАВ орқали парламент фао-
лиятини кузатиш жараёнида ту-
тилган саволларини, мулоҳазала-
рини билдирди.

Болалар ҳамда бола тарбия-
лаётган оналарнинг ижтимоий
ҳимоясини такомиллаштириш,
икки ёшгача бола тарбияси учун
берилаётган нафақа муддатини
узайтириш ҳақида айна пайт-
да бола тарбиялаётган Нарғиза
Пўлатова берган саволга депу-
тат шундай жавоб берди:

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КЎМИТАСИ

Депутат ва ҳаёт

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш давлатимизда бош масала сифатида қаралади. Икки ёшгача бола тарбияси учун нафақаларни бериш маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилиши ҳам аҳоли манфаатини ўйлаб қилинди. Нафақанинг миқдори ҳам, манбалари ҳам ўзгарган эмас. Лекин бу борадаги ишлар тўғрисида йўлга тушиб кетиши учун ҳозир маҳаллаларга маҳалла фуқаролар йиғинлари ёрдам кўрсатиш зарур. Яқинда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам болалар тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Сиз сўраганингиздек, бола парвариши, тарбияси каби кўп масалаларга ушбу ҳужжатда ойдинлик киритилган.

Бу йил қиш қаттиқ келди, шу боис уй-жой-коммунал хизматлар борасида айрим муаммолар пайдо бўлгани, маҳалла йўллари таъмирга муҳтожлиги ҳақида маҳалла фахрийси Саидбўрон Ғуломов билдирган мулоҳазалар юзасидан ҳам депутат алоҳида тушунтириш берди. Коммунал хизмат кўрсатуви қоронғоналар томонидан истеъмолчиларга тўлиқ ва сифатли хизмат кўрсатмаслик, қонун талабларига риоя қилмаслик ҳоллари учраётгани, бу ўз навбатида депутатлар томонидан назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда эътиборга олинаётгани, бу масалалар фракция йиғилишларида тегишли идоралар раҳбарлари эътиборига ҳавола этилаётганини айтиб ўтди.

— Шу билан бирга, — деди у, — ЎзХДПнинг барча кенгашлари, жумладан Тошкент шаҳридаги туман кенгашлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига ҳам бу борада муносабатлар тушатириш, улар партия фаоллари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида ҳал этилаётгани.

Еш сайловчи Шаҳноза Тулганова 2008 йил — Ёшлар йилида мамлакатимизнинг ёш фуқаролари манфаатларини ифода этаётган қандай янги қонун ҳужжатлари қабул қили-

ниши кўзда тутилаётгани билан қизиқди.

— Аввало, бу Ёшлар йили давлат дастурида тўлиқ ўз аксини топади, — деди Л.Ғуломов. — Мамлакатимиз Президентининг 2007 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Энг асосийси — ушбу дастур ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча долзарб муаммоларни ўз вақти-

қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳамда ўзларини ташвишлан-тираётган масалалар ҳақида қизиқдилар, турли таклифларни ўртага ташладилар.

— Ўтган йил давомида Қонунчилик палатасида 60 дан зиёд қонун ҳужжатлари устида иш олиб борилди, — деди Шарбат Абдуллаева. — Улар муҳокамасида фракциямиз аъзолари фаол иштирок этиб-гина қолмай, балки қонунлар ЎзХДП электорати манфаати-га мос келишига ҳам астойдил ҳаракат қилдилар. Биз масалага ҳар бир қабул қилина-ётган қонун аввало инсон ман-

лим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига ўн йилдан ошди. Бу орада давлат таълим муассасаларига муқобил равишда фаолият кўрсатишга қодир нодавлат таълим муассасалари, хусусий таълим вужудга келаяпти. Шунинг билан олиб, мазкур қонун янада мукамаллаштирилмоқда. Бунда давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим олувчи, мактабдан ташқари таълим олиш, мустақил таълим олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби тушунчалар ойдинлаштириляпти. Қонун қабул қилинган, давлат ва нодавлат таълим муассасалари

гилаш жараёнида уларнинг иштироки тўғрисида гапириб, юртимиз келажаги, салоҳияти, дунёнинг етакчи давлатлари қаторига қўшилиши билимли ёшларга боғлиқ эканини ўқирди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шавкат Каримовнинг Бухоро, Когон, Қоровулбозор туманларида сайловчилар билан ўтказган учрашувлари ҳам ана шундай қизғин руҳда ўтди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қонун ижодкорлиги

замирида инсон манфаатлари ётибди, дея таъкидлашмоқда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ўз сайловчилари билан учрашувларда

да ҳал этишга қаратилиши ва бунинг учун мустақкам қонунчилик базасини таъминлаб бериши лозим», дея алоҳида таъкидлади. Ишлаб чиқариладиган қонун ҳужжатлари ҳам бевосита шундан келиб чиқади. Депутатнинг Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида сайловчилар билан учрашуви ҳам ана шундай қизғин савол-жавоблар руҳида, иштирокчиларнинг фаоллигида ўтди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаеванинг Қорақул ва Олот туманларидаги сайловчилар билан учрашуви қизғин мунозараларга бой бўлди. Сайловчилар Қонунчилик палатасининг 2007 йилги фаолияти,

фаолларини ҳимоялаши нуктаи назаридан ёндашамиз...

«Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодийёт шаклланаётган бир шароитда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялашнинг ишончли тизими-га эҳтиёж сезилиши табиий. Илгари қабул қилинган айрим қонунлар кун сайин ривожланиб бораётган ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Бу борада депутатлар қандай фаолият кўрсатишяпти?» Қорақул туман халқ таълими бўлими mudiri Фозил Маматовнинг ана шу саволига депутат қуйидагича жавоб берди:

— Жуда тўғри айтдингиз. Вақт ўтиши билан айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар, киритишга тўғри келмоқда. Мисол учун «Таъ-

ўртасида ўзаро рақобат юзга келди.

Учрашувда соғлиқни сақлаш тизимига оид қонунлар ижроси, Шаҳарсозлик Кодекси, «Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг жойлардаги ижроси тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Келгусида қишлоқ жойларида аҳолининг замонавий, бош режа асосида қуриладиган посёлкаларга эҳтиёж ортиши ва бошқа масалаларни ҳисобга олиб қонунларни янада ташкиллаштириш, ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Депутат Қорақул ва Олот туманларидаги иқтидорли ёшлар лицейларида йигит-қизлар билан учрашувда Ёшлар йили муносабати билан мамлакатнинг демократлаштириш ва ян-

...

Қарши туманидаги Дашт фуқаролар йиғини раиси М.Бегалиев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Машхура Сафеевага ҳудудда жойлашган Маиший хизмат «асб-хунар коллежининг йўналишини ўзгартириб, Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қурилайётган Иқтисодийёт касб-хунар коллежига қўйиш, натижада бўшаган бинони қайта таъмирлаб, мусиқа ва санъат мактабини ташкил этиш таклифи билан чиққан эди.

Партиямиздан сайланган депутат М.Сафеева Қарши туманидаги сайловчилар билан учрашар экан, юқорида кўтарилган масала юзасидан ахборот берди. Маълум бўлишича, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Дашт қишлоғида бўшаб қоладиган бинода Қар-

ши туман 7-сон болалар мусиқа мактабининг филиалини очиш мақсада мувофиқ деб топибди. Шундай қилиб, ҳаёт ўртага қўяётган бир муҳим масала депутат ва сайловчилар ҳамкорлигида ўз ечимини топди...

М.Сафеева Қарши туман Халқ таълими бўлими ходимлари билан бўлган учрашувда 2007 йилда парламент қўйи палатаси томонидан олиб борилган ишлар ҳақида ҳисоб берди. Қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг моҳиятини атрафлича шарҳлади.

Депутат 15 миллат вакилларидан иборат 833 нафар ўқувчи таълим олаётган Қарши ахборот-технологиялари коллежиди талабалар билан суҳбатлашди, уларнинг фикр-уйлари билан қизиқди. Ўқувчилар Ли Тамара, Суҳроб Чориевлар ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликдан мамнун бўлиб, эл-юртга наф келтирадиган касбни эгаллашга астойдил интилаётганларини изҳор этишди. Депутат янги қабул қилинаётган қонунларнинг тайёрланиши, аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди.

Учрашув савол-жавоблар асосида ўтди. Коллеж талабаси Далир Норсафаров коллежни тугатгандан кейин иш билан таъминланиш масаласини кўтарди. Бу борада учрашувда катнашган Қарши шаҳар ҳокими Шўҳрат Турсунов ўз фикрини билдирди.

— Сиз ишсиз қолмайсиз, — деди у. — Чунки компьютер ва илғор технологияларни яхши ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж катта. Қолаверса, шаҳримизда Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали очилган. Коллежни таъмирлаб, олий ўқув юртида таълимни давом эттиришингиз ҳам мумкин.

Депутат «Одина» масжидида жойлашган «Ўзликни англаш маркази» ва шаҳар марказий касалхонасида ҳам сайловчилар билан учрашди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Эртага — Ўзбекистон

БМТга аъзо бўлган кун

Дунёвий эътироф

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бежизга Ўзбекистон БМТ эътиборини минтақада тинчлик ўрнатиш масалаларига қаратгани йўқ. 1992-1997 йилларда Тожикистон муаммоларини ҳал этиш, Афғонистон масаласи бўйича Президентимиз тақлифига биноан «6+2» саммитини ўтказиш, ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш гоёси илгари сурилгани ҳам ташкилот томонидан юқори баҳоланди. Булар мамлакатимизнинг улкан ютуғидир, шунинг билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилди. Ўзбекистон, шунингдек, БМТнинг энг йирик тармоғи — маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот — ЮНЕСКО билан ҳам мустақам алоқа ўрнатган.

Ўзбекистон БМТни дунёда тенгсиз, муқобили бўлмаган ташкилот деб ҳисоблайди. Ҳақиқатдан ҳам ер юзида БМТнинг ўрнини боса оладиган бошқа ташкилот мавжуд эмас. Лекин Ўзбекистон бу нуфузли ташкилот олиб бораётган тинчликсевар сиёсатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга, уни ислоҳ қилиш, фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифларни ҳам илгари сурди. Масалан, Президентимиз БМТ Бош қотибининг вазифаларини қўчайтириш, имкониятларини мустақамлашни тақлиф қилди. Қолаверса, дунёдаги минтақавий моҳирларнинг ҳал этишни тезлаштириш учун Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сафини кенгайтириш тақлифи билан чиқди, нафақат Нью-Йорк шаҳри, балки барча минтақаларда турли йўна-

лишлар бўйича БМТнинг минтақавий шохобчаларини очиш тақлифини ҳам билдирди. 60 йиллик босиб ўтган йўлга қарамай, БМТ тўб ислохотларга муҳтож. Мамлакатимиз раҳбари БМТ собиқ Бош қотиби Коффи Аннанинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам бу фикр-ни айтган эди.

«Минг йиллик саммит»да БМТ иқтисодий-гуманитар ёрдам, табиати асраш ва минтақавий масалаларни ҳал этишни устувор йўналиш этиб белгиланган эди. Айниқса, учинчи йўналиш бўйича Ўзбекистон кўпгина ташаббусларни илгари сурди, ҳар бир иш билан саммитда қабул қилинган ҳужжат талабларини бажаришга интиляпти. Яна эътиборга лойиқ жиҳат шундаки, Ўзбекистон миллатлараро қўтувлик, диний бағрикенглик масаласида ҳам намуна бўладиган давлат сифатида ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этиляпти.

Бугунги кунда БМТ Ўзбекистоннинг минтақадаги ўрнига жуда катта баҳо беришини таъкидлаш жоиз. Ташкилот Ўзбекистонга минтақадаги барқарорлик кафолати сифатида қарайди. Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, унинг минтақада тинчликни сақлашдаги ўрнини алоҳида эътиборга этади. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўн олти йиллик ҳамкорлиги тажрибасидан келиб чиқиб, дунёвий интеграция ва глобаллашув шароитида тинчлик, тенг-лик ва барқарорлик, дунё халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни таъминлаш юзасидан ҳамкорлигимиз янада кучайиб бораверишига ишонч билдириш мумкин.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

Эҳтиром

«Иззат нима, билдим»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу каби сатрларни ўқирканман, Зулфия-хонимнинг шунчаки «соғинч» сўзига сифмаган туйғулари боиси фақатгина гул фаслини қўмсаб эмасдир, деб ўйлайман. Ахир, баҳорнинг инқилоб каби келишини тиламоқнинг моҳиятида гулу гулзорлар сайру саёҳатини соғинмоқ ётибди, деб англамоқ қанчалар саёз фикрламоқ бўлади!

Бу соғинч шоиранинг қалб оламига XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб томир отмаганимкин? Устознинг сўзлаб берган хотиралари кино тасмасидаги воқеалар каби онгимда жонланади: 1937 йил... Ёш келин Зулфия онаси билан ҳар кун қўлларида туғунни кўтариб қамқоқхонага боришди. НКВД жиёсга олган акасига қўрпа киритиб бермоқчи бўлишди. («Соддаликни қарангки, атлас қўрпа киритиб юбормоқчи бўларди...») Аммо ичкаридан «Бундай одам йўқ», — деган жавоб чиқди... кимдир яна фалон-жойда ҳам қамқоқхона борлигини айтди. Она-бола у ердан ҳам ноумид қайтишар... уйга келиб, онаизор бағрини ерга бериб ётарди. Ҳафталар, ойлалар чўзилган излашлар бесапар кетди. «Биз қамқоқхонама-қамқоқхона акамини ахтариб юраверибмиз. Уни аллақандай отиб ташлаган экан».

40-, 50-йиллардаги қатағону фожиа туйғули жигарларидан, ақлу ҳушини йўқотиб, кўнги қўйган («Севиш керак бўлса, телбача севдим») ёри Ҳамид Олимжондан айрилган Зулфия ўш қалбидидаги мазорлар устига чиқиб қўлмоғини, шодлик созини чалишини талаб қилди замон. У «Ҳижрон сатрлари» туркуми учун сиёсий саводсизликка, жамиятга ёт гоғларни ёзганликда айбланди.

Зулфияхонимнинг иродасига таъзимларким, бу ноҳақликлардан ҳеч қачон нолимади. Замон, муҳит қанчалик ўзгармасин ўзини камситилган, жабрланган қилиб кўрсатишни шаънига эпп кўрмади. Бунинг сабаби, балки, шоир ўзининг ҳақлигига, алал-оқибат тарих галерији саракни саракка, пучакни пучакка ажратиши муқаррарлигига ишонганиданмикин ёки тубан кимсаларнинг қаторига тушишини истамганиданмикин?

Зулфияхоним адабиётни муқаддас деб билган, садоқат, поклик, сабру иродани инсонийлигининг оддий фазилатлари деб тан



олган шахс тимсоли. «Зулфия опанинг олдларида биз — йигитлар ҳам ўзимизга қараб, ўзимизни тартибга келтириб олардик», — деганди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов. Устознинг ёнида, у яшаган муҳитда нафас олганлар беихтиёр шоиранинг бўйига қараб бўй ростлашарди. Зулфияхоним Бош муҳаррир бўлиб ишлаган йиллари «Саодат» журналин мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи ижодкор аёлларни бирлаштира олди. XX аср 60-, 70-, 80-йиллар Ўзбек адабиёти саҳифаларида қолғучи қаламқаш аёлларнинг аксариятини «Саодат» кашф этди, уларга оқ йўл тилади. Худди шу йилларда Зулфия сойиб иттифокдош республикалар ижодкорлари саҳифага забардаст шоирага айланди. Хундистон, Покистон, Африка мамлакатлари шоирларини «Мушоира» даврасига қорлади. У қутган баҳор келдими? Афсус... 80-йиллардаги ижтимоий ҳаёт учун Зулфияхонимдай қалби адл инсонлар бекадр эди. Лекин шоира ҳар қандай шароитда ҳам ўз шаъни, гурури, қадрини миллатнинг фазилатлари тимсоли даражасига кўтариб яшайди. Унинг табиатидаги ўқтамлик, ҳалоллик, юксак маданиятлик, маънавий етуқлиқ беш умр замонасозлик, охилик, манфаатпарастлик илинжидан голиб бўлиб қолди.

Аёллик — оналик масъулиятини, ҳаётини

эртанинг ўзгинаси бўлган муҳаббатини, сўзга садоқатини, устозларга эҳтирому, шоғирдларига муҳаббатини ўзгаларга дастурхон қилишни истамган шоира қалбиди яна қанча битган ва битмаган жароҳатлар қолдиқин?..

Умр шомиди кириб келган Озодлик — алломон қўнларда мисоли неча асрлик тошлар унинг бағридан қўнқилар каби кўчди.

Истиқлол, келдинг-ей, наҳотки келдинг?!

Умр бўйи қўтилган, соғинтириб йўллари-га интизор қилган баҳор, ҳаётнинг, халқу Ватан тарихининг баҳори шу эди.

Келдинг-эй, истиқлол истиқлол бўлиб, Қалбимга насиминг билан йўл солидинг. Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб, Мен оғир булутдай бир ёғиб олоим.


Истиқлол миллатнинг асл фарзандларини дуру гавҳар каби саралаб, чин эҳтиром, ҳурмату эъзоз қафтига қўйди.

Зулфияхонимнинг Юртбошимиз Фармонларига қўра, жуда катта тантаналарга айланиб кетган 80 йиллик юбилейлари шодиёналаридаги қиёфаларини, кўзларидаги нуруни эсласам, миллатни ўш мартабаси қадр юксалтирган ИСТИҚЛОЛга беадад шукроналар қиламан. Чин инсон бўлиб яшашдек қаҳрамонлиқни тақдирга айлантирган шоира чин маънода мустақиллик йилларида халқимизнинг ардоғига, чексиз ҳурмат-эҳтиромга мушарраф бўлди.

Бу йил баҳорда Зулфияхоним гўёки насим бўлиб, ҳаётбахш ёмғир каби нафасларни, ирода, меҳр-муҳаббат, терапик балқиган нигоҳлари, ўқтам қадду овози билан орамизга қайтиб келди. Унинг сиймоси тикланган, Тошкентнинг яна бир муқаддас зиратгоҳига айланажак майдонда қалбнинг қадрдон, ўқтам, сокин овозини соғиниб бағрига босаётгандек:

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим, Ҳеч қимда кўрмайин ўзимга ўхшаш. Суйдим, Эркаландим, Айрландим, Қуйдим, Иззат нима билдим, Шу-да бир яшаш.

Муҳтарома УЛУҒ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.



Овозга қўйилади

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Буюк Британия, Германия ва Франция ташаббуси билан Эроннинг ядровий қуролланишига қарши ишлаб чиқилган янги санкциялар лойиҳаси овозга қўйилади, деб хабар беради РИА Новости.

Буюк Британиянинг Хавфсизлик Кенгашидаги доимий вакили Жон Сээрнинг айтишича, резолюцияга «арзимаган ўзгартиш» киритилган. Вакил ўзгартиш қайси давлат томонидан ва қай мақсадда киритилганига изоҳ бермади.

Оммавий тадбир ўтказилади



қаратилган ушбу тадбир бир йилдан ортиқ давом этади. Уни ўтказишга юз миллион АҚШ долларида зиёд маблағ сарфланади.

Бразилияда Амазония ўрмонлари кесилишини тўхтатишга қаратилган оммавий тадбир ўтказилади, дея хабар беради РАТА-ТАСС.

Махаллий матбуотнинг ёзишича, «Оташин камон» номли мазкур тадбирда мингдан зиёд полициячи, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамда Бразилия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслар институти вакиллари иштирок этади. Улар тропик ўрмон дарахтлари кесилмаслигини қатъий назорат қиладилар. Мутахассисларнинг сўзларига қўра, Амазония бойликларини сақлаб қолишга



қаратилган ушбу тадбир бир йилдан ортиқ давом этади. Уни ўтказишга юз миллион АҚШ долларида зиёд маблағ сарфланади.

Океанни кузатишади

2008 йилда Хитой дунё океанидаги иқлимни кузатадиган тизим яратди, деб хабар беради Синхуа.

— Мақсадимиз — океанлар юзасида рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш ва аник маълумотларга эга бўлиш, — деди гидрометеорология хизмати ходими Сунь Чжунхуэй.

Хитой ҳукуматининг фикрича, ушбу тизим мамлакатнинг океан ва ички сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида яратилляпти.

Тикланувчан қанда

Қисмларга бўлиб ташланса ҳам, қайта тиклана оладиган мато яратилди, деб хабар беради Франс Пресс.

Резинага ўхшаб қўзиладиган бу моддага ҳали ном берилмаган. У ўз узунлигига нисбатан беш марта қўзилиши ва кесилган юзасида рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш ва аник маълумотларга эга бўлиш, — деди гидрометеорология хизмати ходими Сунь Чжунхуэй.

Хитой ҳукуматининг фикрича, ушбу тизим мамлакатнинг океан ва ички сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида яратилляпти.

Ҳаво исиши туфайли

Ҳавонинг исиши натижасида Москвадаги ҳайвонот боғида айиқ ва тиградиқлар уйғона бошлади, деб хабар беради «Новые известие».

Мартнинг ўрталари ва охирида уйғониши керак бўлган Ҳимолай айиғи уйқудан туриб юра бошлаган. Уч ойлик уйқудан кейин боғ эгалари айиқни кунига бир марта олма ва озгина гўшт билан боқяпти. Мутахассислар овқат миқдорини кунига оз-оздан 19-24 килограммгача қўпайтиради. Битцев паркида эса экологлар уйғонган тиградиқни вақтида билиб қолишди, акс ҳолда, очликдан нобуд бўларди. Волга дарёси сув омборида эса денгиз меҳузасини топишди. Олимлар вақти келиб меҳузаларни дарёнинг исталган еридан топиш мумкинлигини тахмин этишмоқда. Бунга сабаб глобал исий жараёнидир.

XX асрда ердаги ҳаво 0,6 даража, Тинч океанидаги сув эса 0,5 даражага исиган. Россиянинг Глобал иқлим ва экология институти мутахассисларининг айтишича, сўнгги вақтда жанубда яшайдиган балиқ ва ҳашаротларнинг Москва атрофида қўпайиб бориши бу ерда ҳам иқлим ўзгараётганлигидан далолат беради.

Инфарктдан ҳимоя

Америкалик олимларнинг аниқлашича, мушук боқадиган одамлар инфарктга кам чалинади, деб хабар беради Мед-портал.



Ўн йил давомида Миннесота Университетини ўтказган тажриба натижасига қўра, мушук боқувчиларнинг инфарктга йўл



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маълумки, футбол умумий спорт турларидан бири ҳисобланади. Мухлислар ҳар йили янги мавсумни катта орзу-умидлар билан кутиб олишади. Янги чемпионат олдидан аввалги эришилган ютуқлар ва камчиликлар таҳлил этилади, хулоса чиқарилади ва шу асосда режалар тузилади...

— Мана, икки йилдан бери федерацияда ишлаётган бўлсам, муболағасиз айтишим мумкин, бу жамоа нихоятда аҳил ва иноқ оила эканлигига амин бўлдим. Мен ана шундай ҳамжиҳат оилага раҳбарлик қилаётганимдан фойдаланаман. Утган йил футболимиз учун халқаро мусобақаларга бой бўлди. Футбол жамоатчилига кўплаб ҳақонли, унутилмас ҳақалар тақдим этди. Муваффақиятлар ўз-ўзидан кўлга киритилмади.

2007 йилги муваффақиятлар ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларининг Осиё кубоги саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, қўтга чемпионатининг финал қисмига йўл олганлигини эътироф этмоқчиман. Миллий терма жамоамиз эса Осиё кубогининг финал босқичида жуда чироили ва мазмунли ўйинлар кўрсатиб, миллионлаб футбол ишқибозлари оқлишига сазовор бўлди. Фақат Саудия Арабистони билан бўлган ўйинда ҳақамнинг кўпол хатоси тўғрисида ярим финалга чиқа олмади. Дарвоқе, Осиё чемпионати якунланган, Осиё футбол Конфедерацияси президенти бизга кўнжир қилиб, ушбу ноҳуш воқеа учун ўз сўради. Энг катта тарихий ғалабани бизга ногирон-ампутантлар терма жамоаси аъзолари тўғрисида этди. Мамлакатимиз мус-

МАҲОРАТ ВА ФИДОЙИЛИК — ҒАЛАБАНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

тақилликка эришгандан сўнг, айнан ушбу терма жамоамиз биринчи бўлиб Жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни кўлга киритди. Ўзбекистон Олимпиада терма жамоаси ҳам ўз тарихида биринчи марта Олимпиада ўйинларининг 3-саралаш босқичида иштирок этди.

Тан олиш керак, ютуқлар билан бир қаторда 2007 йилда бажарилмай қолган вазифаларимиз ҳам бўлди. Ҳозирга қадар мураббийлар тайёрлаш дастури мутлақо қониқарсиз тизимда ишлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Мураббий учун лицензияни кўлга киритиш ҳозирда бўлгани каби осон кечмаслиги керак. Шу пайтгача барча мураббийлар ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудлардаги ўқув курсларида иштирок этиб, ўша ернинг ўзида турли тоифадаги лицензияларни кўлга киритишар эди. 2008 йилдан бошлаб бу қоида ўзгарди. Энди барча курслар Тошкентда махсус комиссия назорати остида ўтади. Лицензияни кўлга киритиш учун жиддий имтиҳонлар ўтказилади. Мақсад — лицензияга эга бўлиш мураббий фаолиятидаги энг муҳим жиҳат бўлиб қолишини таъминлашдан иборат. Шунинг учун Ўзбекистон футбол федерацияси лицензияси йўқ мураббийларга, ҳоҳ у фахрий

футболчи бўлсин, ҳоҳ тажрибали ўйинчи, барибир ишлаган руҳсат бермайди. Биз клубларни ҳам шунга ўргатишимиз ва бунинг фойдали эканлигини уларга тўғри тушунтира олишимиз керак.

Янги мавсум ҳақида сўз очилар экан, ана миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпионатидаги иштирокига қайтаман. Сабаби, футболчиларимизнинг мазмунли ўйинлари Осиё футбол Конфедерациясининг ҳам эътиборидан четда қолмади ва шу боис ҳам 2007 йил якунларига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилев «Осиёнинг энг яхши мураббийи» деб топилди. Иқтидорли ҳақамларимиз Равшан Ёрматов ва Абдулхамид Расулловлар эса ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришга тақлиф этилган бўлса, яна кўплаб ҳақамларимиз ОФК тасарруфи остидаги учрашувларда ҳақамлик қилишди. Бу йил Ўзбекистон футбол тарихида биринчи марта Республика мураббийлар ва ҳақамлар тайёрлаш мактабини 14 нафар ёш ҳақам битириб чиқди. Яна бир янгилик, 2010 йилдан эътиборан ОФКнинг барча расмий мусобақаларига Осиё футбол Конфедерацияси томонидан берилган «Б» тоифали лицензияси бўлмаган мураббийлар қўйилмади.

Янги футбол мавсуми

— Олий лига чемпионати ўйинларининг савиясини кучайтириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Профессional футбол клублари фаолиятини яхшилаш — чемпионат савиясини ошириш дегани. Мени бир нарсга ҳайрон қолдиради. Нима учун «Пахтакор» билан тенгма-тенг рақобатлаша оладиган жамоа йўқ. 2008 йилда бизнинг режамизга биноян чемпионлик учун даввогарлик қиладиган 7-8 та жамоа пайдо бўлиши керак. Ҳар бир клуб ўзига қўйилаётган жиддий талаблар ва ғоят шарафли ҳамда масъу-

дрилигларни кимдандир ўрганишлари керак-ку! Биз шундай ҳужжат тайёрлашимиз лозимки, барча клублар ўз таркибларига 2-3 нафар легионерни тақлиф этиш имкониятига эга бўлсин.

Ўзбекистонга қандайдир сафнинг охирида турган легионерни эмас, балки иқтидорли, техник қобилияти кучли «чарм тўп» усталарини олиб келмоқчимиз. Шунда жамоадан ва унинг маҳаллий аъзоларини ниманидир умид қилса бўлади. Легионерларимиз масаласида ҳам муаммолар бор. Хўш, Шахид, Денисов, Ибрагимовдан бошқа яна кимларни санай оламиз?

ча футболчиларимиз хориж клубларининг захира ўринида ўтирибди.

— Бюджетни кучайтириб, кадрларни мустаҳкамлаш керак, дедингиз. Эшитишимизча, утган йили футболни ривожлантириш учун ажратилган маблағ кескин ошган экан?

— 2007 йилда республикамиз футболни ривожлантириш учун Ўзбекистон футбол федерацияси ва Ўзбекистон футбол федерацияси қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан салкам 6 ярим миллиард сўм сарфланди. Бу 2006 йилга нисбатан 2,2 баробар кўп деганидир. Ушбу сумманинг де-

лион сўмни ташкил этган. Демак, харажатлар бўйича 20 йилга олдинга ўтиб кетдик.

— Юртимизда футболни ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳоратли ёшларни тарбиялашга оид ҳукумат қарорлари ижроси ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Клубларга молиявий талабларни қўйиш билан бирга Ўзбекистон футбол федерацияси бу борада ўзига ҳам талабчанлиқни оширганлигини айтиш жоиз. Федерация раҳбарияти терма жамоаларга грантлар ва мукофот пуллари ажратиш бўйича йил охиригача харажатлар сметасини тасдиқлади. Бу смета 3 миллиард сўмдан ортиқ. Гап фақат пулда бўлмаслиги мумкин. Чунки майдондаги футболчи тўп тепиш баробарида юрт шарафини ҳимоя қиладди. Хоҳлардимки, ўзбекистонлик футболчилар моддий рағбатдан манфаат топсинлар, бу борада уларнинг муаммолари бўлмасин. Айни чоғда улар ўз клуби, Ватани шайини ўйлайдиган фидойи спортчи бўлишсин.

Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш, бу соҳани энг сердаромад соҳалардан бирига айлантириш учун тўла шароит бор. Бунинг учун ишни аниқ ва пухта олиб бориш, тарбияни кучайтириш, назорат ва талабчанлик даркор. Ўзбекистон футболчисининг даромади яхши, уй-жой ҳаёлати бўлсин, эр автомашинаси бўлсин. Бунга эришиш учун бор имкониятни ишга соламиз. Шундагина ёш авлод терма жамоа аъзоларига ҳавас билан қарайди, келажақда ҳар қандай кийинчиларни енгиб, терма жамоада ўйнайдиган етук футболчи бўлиб етишишга ҳаракат қиладди.

Бразилияда терма жамоа аъзосини — оддий инсон эмас, балки танланган шахс сифатида қабул қилишаркан. Бу ҳам бежиз эмас. Шу маънода Ўзбекистон терма жамоаси либосини кийган ҳар қандай футболчи ҳам оддий фуқаро эмас. Унда оёру, унда келажақ, унда омад бор. Демак муваффақиятлар, ғалабалар яқин.


Шу фурсатдан фойдаланиб, миллионлаб ўзбекистонлик мухлисларимизни янги мавсум, катта футбол байрами билан чин дилдан табриклайман. Бу мавсум ҳаммамизга янада кўпроқ қувонч ва омадлар, ғалабалар олиб келсин!

Сўхбатдош:
Ҳайдар НОСИРОВ.



Юрт ободлиги

Бухорода баҳор нафаси



Бухорога қўқлам нафаси кириб келди. Шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишга вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари биринчилардан бўлиб қўл урдилар. «Яшил қалқон» барпо этиш мақсадида Гиждувон тумани ўрмончилари 900 гектар майдонга саксовул кўчатлари экомқдалар.

— Биз, — дейди Бухоро марказий ўрмон хўжалиги бошлиғи Уктам Раззоқов, — Эни 10 километр ва узунлиги 90 километр бўлган «Яшил қалқон» лойиҳасининг иккинчи навбати доирасида яқин икки ойда 2100 гектар майдонга саксовул кўчати ўтказамиз. Ҳозир бу ишга 20 дан зиёд техника ҳамда 300 киши жалб этилган. Бунинг устига вилоят ва туман марказларини безайдиган ҳар хил манзарали кўчат ниҳолларини ҳам тайёрлаб қўйди.

Вилоятнинг Қорақўл туманида ҳам ободонлаштириш ойлиги эълон қилиниб, барча қишлоқ ва маҳаллаларда Наврўзга тайёргарлик бошланиб кетди.

— Ҳар йили ўз томорқамда минглаб тўп мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштираман, — дейди Қозон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи боғбон Ғиёс ота Рўзиев. — Бу йил ҳам қарийб икки юз минг тўп мева ва манзарали кўчатлар тайёр. Уларни туманимизда экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида фойдаланиш учун фермерларга етказиб берамиз.

Хуллас, бугун қадим Бухоронинг ҳар бир гўшасида кўчат ўтказётган одамларни учратасиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан

ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш муддати
1.	Бойвўт тумани, Бойвўт п. 536 ўринли 6-сонли мактаб	130441,530	150 кун
2.	Бойвўт тумани, Дўстлик ҚФИ С.Айний маҳалласида 624 ўринли 22-сонли мактаб	129390,056	150 кун
3.	Бойвўт тумани, Дўстлик ҚФИ 490 ўринли 23-сонли мактаб	89288,453	90 кун
4.	Бойвўт тумани, Дўстлик ҚФИ Янгибўстон маҳалласида 320 ўринли 24-сонли мактаб	78694,385	90 кун
5.	Бойвўт тумани, Лайлакқўл ҚФИ 422 ўринли 34-сонли мактаб	113568,862	120 кун
6.	Ховос тумани, Ховос қ. 624 ўринли 1-сонли мактаб	141184,606	150 кун
7.	Ховос тумани, Карвонсарой қ. 924 ўринли 12-сонли мактаб	213506,945	180 кун
8.	Ховос тумани, Хўснобод ш/х да 424 ўринли 26-сонли мактаб	103723,452	120 кун
9.	Ховос тумани, Бинокор ш/х да 320 ўринли 18-сонли мактаб	92510,082	110 кун
10.	Ховос тумани, Қаҳрамон ш/х да 480 ўринли 10-сонли мактаб	102857,665	120 кун
11.	Янгиер шаҳридаги 360 ўринли хорижий тиллар мактаби	82237,715	90 кун
12.	Янгиер шаҳридаги Шодлик маҳалласида 624 ўринли 3-сонли мактаб	140643,036	150 кун
13.	Сайхунбод тумани, 320 ўринли 18-сонли мактаб	72296,915	90 кун
14.	Сайхунбод тумани, «Янги ҳаёт» ҚФИ Оқочон маҳалласида 140 ўринли 33-сонли мактаб	36943,849	90 кун
15.	Сайхунбод тумани, 536 ўринли 9-сонли мактаб	120012,0	130 кун
16.	Мирзаобод тумани, У.Юсупов маҳалласида 240 ўринли 2-сонли мактаб	56105,222	90 кун
17.	Мирзаобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФИ 460 ўринли 21-сонли мактаб	102051,367	120 кун
18.	Сирдарё тумани, «Ж.Мамаинов» ҚФИ 422 ўринли 24-сонли мактаб	108564,037	120 кун
19.	Оқолтин тумани, У.НҚФИ 536 ўринли 9-сонли мактаб	114803,502	120 кун
20.	Сардоба тумани, Бўстон ш/х 624 ўринли 4-сонли мактаб	129792,025	150 кун
21.	Гулистон тумани, 320 ўринли 26-сонли мактаб	108566,549	120 кун
22.	Гулистон шаҳри, 624 ўринли 2-сонли мактаб	148965,851	150 кун
23.	Гулистон шаҳри 624 ўринли 4-сонли мактаб	123751,079	135 кун
1.	Гулистон шаҳридаги 4-сонли оилавий поликлиникани реконструкция қилиш	110386,708	180 кун

Буюртмачи манзили:
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри,
М.Ахтамова кўчаси,
30-уй.
Тел: (8-3672) 27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб фонди маблағлари ҳисобидан амалга оши-

рилади.

Талабгор сифатида қатнашган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети

қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки шу миқдорда кредит банк кафолатнома-си, ишлар (хизматлар)ни бажа-риш учун зарур бўлган меҳнат

ресурслари мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда иш тажрибасининг мавжудлиги, ўз қўчлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел: (8 3672)
27-64-84,
факс: (8 3672)
27-64-42.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musihiiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alisher RO'ZIEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonada manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish taqat tahrir ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

15651 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22.30

Topshirilgan vaqti — 02.30

1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda